

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазири

И.Абдурахмонов
“_____” декабрь 2024 йил

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги раҳбари томонидан
2025 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар
“ИШ РЕЖАСИ”

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
1.	Аҳоли томорқа, хонадон ва кўп қаватли уйлар олди, маҳаллаларни ички кўчалари, дала чети ва канал-коллектор атрофидаги майдонларида фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштиришга ҳамда уларни экспортига кўмаклашиш.	2025 йил давомида	Аҳоли томорқа, хонадон ва кўп қаватли уйлар олди, маҳаллаларни ички кўчалари, дала чети ва канал-коллектор атрофидаги майдонларида фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштиришга ҳамда уларни экспортига кўмаклашиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди. 1. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 39 нафар уста деҳқонлар жалб қилиниб, ҳудудларда 10 704 нафар фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда 2 861 нафар аҳоли томорқа эгалари иштирокида 116 та кўргазмали семинарлар ташкил қилинди. 2. Карантин агентлигининг 2 291 нафар ходимлари 8 498 та МФЙларга ҳамда 866 та тадбиркорлик субъектлари етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш учун бириктирилди.

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			3. Ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос уруғ ва кўчатларни танлаш, сердаромад қишлоқ хўжалиги экинларини экиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилиб, ҳудудларга етказилди. 4. “Agroko‘makchi” мобил иловасида дала чети, канал-коллектор атрофи ерларида маҳсулотни экилишидан экспортга сотишгача зарур бўлган маълумотлар жойлаштирилиб, жамоатчиликка етказиб борилмоқда. 5. Дала четларида ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда маҳсулот етиштирган қишлоқ хўжалиги корхоналарига тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини ҳисоблашда қўшимча балл беришни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди ва мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 12 июндаги 362-сон қарори тасдиқланиб, қарор билан дала четидан самарали фойдаланган маҳсулот етиштирувчиларга тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини ҳисоблашда қўшимча балл бериш ҳамда дала четларида етиштирилган экспортбоп маҳсулотлар учун ички фитосанитария сертификатини бир йил давомида бепул бериш бўйича аниқ тартиблар белгилаб берилди.

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
2.	Дала чети ҳисоби, экилган ва етиштирилган маҳсулот юзасидан ахборотни “e-Fito” платформаси орқали назорат қилиш тизими кучайтириш.	2025 йил давомида	Дала чети ҳисоби, экилган ва етиштирилган маҳсулот юзасидан ахборотни “e-Fito” платформаси орқали Дала чети ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда мевали дарахт кўчатлари экилиши назорат қилиш ишлари амалга оширилмоқда. <i>Дала чети бўйича:</i> <u>30 064 гектар (101 %) дала четига 28 000 минг дона мевали дарахт кўчатлари экилди.</u> 9 227 гектар (154 %) майдонга (7,8 млн дона) олча (аччиқ гилос), 5 057 гектарга (85 %) (3,3 млн дона) олхўри, 2 280 гектарга (68 %) (1,9 млн дона) беҳи, 3 264 гектарга (77 %) (3,6 млн дона) узум, 3 151 гектарга (88 %) (1,6 млн дона) бодом, 2 700 гектарга (65 %) (1,4 млн дона) чилон жийда, 4 172 гектарга (135 %) (8,2 млн дона) тут дарахти ва 109 гектар (7 %) майдонга (124 минг дона) анор кўчатлари экилди. <i>Каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлар бўйича:</i> <u>10 041 гектар (100 %) канал ва коллекторлар атрофларидаги майдонларга 9 281 минг дона мевали дарахт кўчатлари экилди.</u> 2 549 гектар (113 %) майдонга (2,2 млн дона) олча (аччиқ гилос), 1 829 гектарга (97 %) (1,2 млн дона) олхўри, 1 046 гектарга (95 %) (890 минг дона) беҳи, 1 122 гектарга (92 %) (1,2 млн дона) узум, 1 057 гектарга (95 %) (528 минг дона) бодом, 1 046

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			гектарга (83 %) (532 минг дона) чилон жийда, 1 370 гектар (118 %) майдонга (2,7 млн дона) тут дарахти кўчатлари экилди. Дала четларидаги 30 064 гектар ҳамда суғориш тармоқлари атрофидаги 10 041 гектар майдонда экилган мевали дарахт кўчатларига доир маълумотлар Агентликнинг “E-fito” автоматлаштирилган ахборот тизимига тўлиқ киритилди.
3.	2025 йил 1 мартгача ҳар бир маҳаллада камида 100 тадан хонадонга (республика бўйича жами 1 млн хонадонга) лимон ва узум кўчатлари экилишига кўмаклашиш.	2025 йил 1 март	2025 йил 1 мартгача ҳар бир маҳаллада камида 100 тадан хонадонга (республика бўйича жами 1 млн хонадонга) лимон ва узум кўчатлари экилишига кўмаклашишда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда аҳоли томорқа хўжаликларида анжир, зайтун, фундук ва бошқа турдаги кўчатларни етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари рўйхати шакллантирилиб, жойларга етказилди ҳамда “Агроқўмакчи” мобиль дастурига бириктирилди. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, аҳоли томорқа хўжаликларида анжир, зайтун ва фундук етиштириш жараёнларида зарарли организмлардан ҳимоя қилишда туманлардаги давлат инспекторлари томонидан доимий равишда фитосанитар кузатув ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга экинларини етиштиришда экишдан маҳсулот пишишигача бўлган жараёнларни ўзи ичига олган уйғунлашган қарши

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			кураш (IPM) бўйича кичик дастурий қўлланма (флайер)лар жойларга тарқатилди.
4.	Сув омборлари атрофидаги 2 минг гектар ер майдонларига талаб этиладиган кўчатларни ва сертификатларни олишга кўмаклашиш.	2025 йил давомида	Сув омборлари атрофидаги 2 минг гектар ер майдонларига талаб этиладиган кўчатларни ва сертификатларни олишга кўмаклашиш бўйича Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган жами 33 та сув омборлари атрофидан 41 нафар тадбиркорлик субъектлари учун 2 001 гектар ер майдонлари ажратиб берилиши ташкил этилди. Шунингдек, давлат инспекторлари томонидан сув омборлари атрофидан ажратилган ерларнинг 397,4 гектарига (19,9 фоиз) мевали дарахт кўчатлари ва кишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш ишлари ташкил қилинди. Ушбу майдонларда асосан ўрик, узум ва гилос кўчатлари ҳамда мош, ловия, шоли, нўхат, кунжут, кунгабоқар, маккажўхори ва ошқовоқ экинлари уруғлари ҳамда органик маҳсулотларини экилмоқда.
5.	Уммон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва Европа давлатларидаги йирик савдо тармоқларида “Ўзбекистон маҳсулотлари” учун савдо ярмаркаларини ташкил қилиш.	2025 йил давомида	2025 йил ўтган даври мобайнида Покистон Ислом Республикаси, Бирлашган Араб Амирлиги, Буюк Британия, Швеция давлатларининг савдо тармоқларида ўзбекистон мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун “Ўзбекистон маҳсулотлари” савдо ярмаркаси ўтказилди.

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
6.	Мева-сабзавот маҳсулотлари юқори нархларда сотиладиган салоҳиятли хорижий бозорларни аниқлаш. 8 та давлатга 30 турдаги маҳсулотлар экспорти учун фитосанитар рухсатномалар олиш чорасини кўриш.	2025 йил давомида	2025 йил 21 май ҳолатига Ўзбекистондан 6 та давлатга 27 турдаги маҳсулот экспорти учун фитосанитар рухсатлар олинди. <i>Ҳиндистонга 1 турдаги (тарвуз), Эронга 6 турдаги (нўхат, қовул (каперс), занжабил (хўл ва қуритилган), маккажўхори, соя дони), Японияга 11 турдаги (наъмат, каврак, анжир, зафарон, қуритилган помидор, голубика, тарик, қуритилган беҳи, шолғом, кунгабоқар, брокколи), Таиландга 7 тур (ерёngoқ, карам, саримсоқ пиёз, пиёз, сабзи, нўхат, редиска), АҚШга 1 тур (қовоқ уруғи), Исроилга 1 тур (саримсоқ пиёз экспорти бўйича фитосанитар рухсатлар олинди.</i> Шу билан бир қаторда, ҳозирги кунда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан музокаралар ўтказилиб, Ўзбекистондан Кореяга 1 турдаги (узум), Покистонга 3 турдаги (анор, узум, олхўри), Хитойга 2 турдаги (қовун, бодом) маҳсулотлари экспорти учун фитосанитар рухсатлар олиш чоралари кўрилмоқда.
7.	Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича маълумотлар статистикасини Карантин агентлигининг “e-Fitouz” ахборот тизими орқали юритилишини таъминлаш.	2025 йил давомида	Агентлик томонидан карантин остидаги маҳсулотлар учун расмийлаштирилаётган ички фитосанитария сертификати маҳсулот етиштириладиган “А” нуқта ва маҳсулот етказиладиган “Б” нуқта аниқ кўрсатиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, бугунги кунда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ёки ички бозорга йўналтиришда олиб борилаётган барча тадбирлар бўйича

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			мониторинг юритиш тизими йўлга қўйилган ҳамда ушбу маълумотлар асосида мева-сабзаёт маҳсулотларининг экспорти статистикасини шакллантириш имкони мавжуд.
8.	14 та очик давра суҳбатлари ва семинарларни ташкил этиб, мева-сабзаёт етиштирувчилар ва 1 200 та экспортчи корхоналарига очилган хорижий бозорлар ва уларнинг талабларини ўргатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини даладан хорижий истеъмолчига етиб боришига бўлган барча жараёнларни тушинтириш.	2025 йил давомида	Жорий йилнинг 7 март куни Тошкент шаҳридаги “Технопарк” МЧЖ биносида Карантин агентлиги Марказий банк, Ўзбекистон темир йўллари вакиллари ҳамда “Технопарк” МЧЖ билан биргаликда “Мева-сабзаётлар экспорт мавсумига тайёргарлик, маҳсулотларни хорижий давлатлар талабларига кўра тайёрлаш ҳамда музлаткичли контейнерлар тақдироти” мавзусида мева-сабзаёт экспорти билан шуғулланувчи йирик компания вакилларига семинар ўтказилди. 6-7 май кунлари Карантин агентлиги, Ўзбекистон Экспортчилар уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги вакиллари билан биргаликда Фарғона вилоятида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор мазмун-моҳияти кен таништириш юзасидан маҳаллий деҳқон, фермер хўжаликлари ҳамда экспортчи корхоналар учун учрашувлар ва семинарлар ўтказилиши таъминланди. 20 май куни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори И. Эргашев Тошкент вилояти Бекобод туманида маҳаллий деҳқон-фермерлар ва тадбиркорлар билан учрашувда давлатимиз

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			рахбарининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг мазмун-моҳиятига тушунтирилди. Учрашув давомида мазкур ҳужжат асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, экспорт қилиш ва кооперация тизимини ташкил қилиш учун имтиёзлар юзасидан иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди. 22 май куни Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори Тошкент шаҳридаги “Food City” савдо марказида маҳсулот етиштирувчилар, экспортга тайёрловчилар, брокерлар, тадбиркорлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Тадбир давомида давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор мазмун-моҳияти тушунтириб берилди.
9.	Зарарли организмларга қарши курашиш юзасидан “Долзарб 15 кунлик”, “Долзарб 30 кунлик” ва “Долзарб 40 кунлик” тадбирларини ташкил этиб, 6 млн гектар фитосанитар дала (қайта мониторинг ҳисобига) назоратини ўтказиш.	2025 йил давомида	Зарарли организмларга қарши курашиш юзасидан қишлоқ хўжалиги экин майдонларида 5 маротаба “Долзарб кунлик”лар тадбирлари эълон қилиниб, 2,8 млн гектар майдонда давлат инспекторлари томонидан дала мониторинги назорат ишлари ўтказилди. Бунда, 923 минг гектар ғалла ва 875,6 минг гектар ғўза майдонларида зарарли ҳашаротларга қарши уйғунлашган кураш (IPM) тизимини қўллаш

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			бўйича 1 734 та семинарлар ўтказилди.
10.	Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмларни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ишлаб чиқиш.	2025 йил давомида	Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган 4 турдаги зарарли организмларни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ишлаб чиқилди.
11.	15 та ўсимликлар клиникаларини ташкил этиб, уларнинг сонини 986 тага етказиш.	2025 йил давомида	Бугунги кунда Ўсимликлар клиникаси 986 та этказилиб 29 та янгидан Ўсимликлар клиникаси ташкил этиш бўйича ташаббускорлар мурожат қилишмоқда.
12.	Хонадонбай ишлаш тизими орқали 200 та хонадонда биологаторияларнинг мавсумий шахобчаларини ҳамда аҳоли томорқасига хизмат кўрсатувчи 496та янги отрядларни ташкил этилишига кўмаклашиш.	2025 йил давомида	Хонадонбай ишлаш тизими орқали 500 та хонадонда биологаторияларнинг мавсумий шахобчаларини ҳамда аҳоли томорқасига хизмат кўрсатувчи 191 та янги отрядларни ташкил этилишига кўмаклашилди.
13.	7,6 млрд дона олтинкўз, 9 636 кг трихограмма, 4,9 млн дона бракон маҳсулотини етиштиришга ҳамда 3,7 млн гектар экин майдонларига тарқатилишига кўмаклашиш.	2025 йил III чорак	6 273 млн дона олтинкўз , 2994 млн дона бракон , 7 183 кг трихограмма кўпайтириш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда ғалла майдонларидаги сўрувчи зараркундалар қарши 1 007,2 минг гектар ёки 100% майдонга (1007 млн дона) олтинкўз , 875 минг 615 гектар ғўза майдонларидаги зараркундаларга қарши 2 175,8 минг гектар майдонга (2176 млн дона) 2,5 марта олтинкўз , 2 006,9 минг гектар майдонга (2007 кг) 2,3 марта трихограмма ва 822,6 минг гектар

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			майдонга (822,6 млн дона) бракон энтомофаглари таркатилди.
14.	450 минг гектарда зарарли чигирткага, 8 минг гектар тутзорларда ва 38,5 млн дона якка қаторли тут дарахтларида тут парвонасига қарши кимёвий кураш чораларини кўриш.	2025 йил давомида	2025 йил республика ҳудудларида 546,1 минг гектар майдонда зарарли чигирткаларга қарши кураш тадбирлари олиб борилди. Жумладан, Қашқадарёда 121,7 минг гектар, Жиззахда 103,8 минг гектар, Сурхондарёда 92,2 минг гектар, Самарқандда 55,1 минг гектар, Қорақалпоғистон Республикасида 54,5 минг гектар, Навоийда 36,3 минг гектар, Тошкентда 33,2 минг гектар, Бухорода 19,9 минг гектар, Сирдарёда 11,9 минг гектар, Наманганда 6,7 минг гектар, Хоразмда 6,4 минг гектар, Фарғонада 2,5 минг гектар ва Андижонда 1,9 минг гектар майдонда зарарли чигирткаларга қарши кимёвий ишловлар ўтказилди.
15.	725 минг гектар майдонда тупроқнинг агрокимёвий электрон хаританомаларини ишлаб чиқиб, тупроқнинг унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2025 йил давомида	2025 йил январ-июнь ойларида 369,9 минг гектар майдонда тупроқнинг агрокимёвий электрон хаританомаларини ишлаб чиқилиб, тупроқнинг унумдорлигини ошириш бўйича агрокластер, фермер, деҳқон хўжаликларига томорқа уй хўжаликларига таклиф ва тавсиялар берилди.
16.	2 000 нафар фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллариини ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳаси бўйича малакасини ошириш чораларини кўриш.	2025 йил давомида	Илм-фан янгиликларини амалиётга тезкор жорий қилиш йўналишида фермер ва деҳқон хўжаликлари, тегишли хусусий сектор вакиллариининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида “Edukarantin.uz” онлайн ўқув

№	Чора-тадбирлар ва устувор вазифалар	Ижро муддати	Ижро ҳолати
			платформаси жорий қилиниб, жорий йилнинг ўзида 787 та тадбиркорлик субъектлари ҳамда 240 та Агентлик ходимларининг малакаси оширилди.
17.	20 нафар хорижий мутахассисларни жалб қилиб, давлат карантин инспекторларининг малакасини ошириш.	2025 йил давомида	2025 йил I ярим йилликда КОИСА иштирокида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида 10 нафар корейлик ҳамда Жаҳон банки иштирокида 1 нафар хорижий мутахассис жалб этилиб, давлат карантин инспекторлари, лаборатория, фитосанитар хавф таҳлили ҳамда зарарсизлантириш йўналишлари бўйича Агентлик мутахассисларининг малакасини ошириш чора-тадбирлари кўрилди.
18.	7,2 млн м.куб ва 7,1 млн кв зарарсизлантириш (фумигация) ишларини амалга ошириш.	2025 йил давомида	2025 йил I ярим йилликда 2,2 млн м.куб ва 4,3 млн кв зарарсизлантириш (фумигация) ишларини амалга оширилди.

**Ўсимликлар карантини
ва химояси агентлиги директори**

И.К.Эргашев